



Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кўп одамлар алданиб, ундан унумли фойдалана олмайдиган икки неъмат бор – соғлик ва бўш вақт», дедилар.

Муттафақун аълайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: «Агар рамазон ойининг охирги ўн кунлиги кирса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаларини – ибодат билан – бедор ўтказар, аҳли-оиласини ҳам уйғотар, ибодатда қаттиқ тиришар ва аёлларига яқинлик қилмасдилар».

Имом Термизий Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Одам боласи қиёмат куни беш нарсадан сўралмагунча Роббиси олдидан унинг қадами жилмайди: Умрини қандай кечирди, йигитлик даврини нима билан ўтказди, молини қаердан топдию, қаерга сарфлади ва билган нарсаларига қандай амал қилди».

Имом Термизий Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Ким кўрқса, тунда юради, ким тунда юрса манзилга етади. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг матоси қимматдир. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг матоси жаннатдир.

Шарҳ:

Хаёт вақтлардан иборат, ким вақтини бекор ўтказса хаётини бекор ўтказибди. Салафлардан бири: «Эй Одам фарзанди, сен вақтлардан иборатсан, агар бир кунинг ўтса сенинг бир қисминг кетибди», деган эканлар. Айтишларича, Қиёмат куни хаётини ибодат билан ўтказган



инсон тасбеҳ айтмаган баъзи нафасларига афсусланар экан. У Кунда бутун умрини бефойда ўтказган кишининг холи нима бўлар экан-а?! Дарвоқе, жуда кўп одамлар бўш вақтларидан унумли фойдаланишмайди. Баъзи одамлар бекор вақтини ўтказадиган нарса (бозор айланиш, кино кўриш, интернетда чатлашиш кабилар)ни топганидан хурсанд бўлса, бошқалари вақтини гуноҳ-маъсиятда ўтказиб роҳатланишади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Вақтларни унумли ўтказиш ва ғанимат билиш вожибдир.
2. Одамлар охиратда вақтларини қандай ўтказганлари ҳақида сўралади.
3. Одамларнинг кўпчилиги вақтларидан ғофил ва бепарводирлар.